



110600 Бўка шаҳри, А. Қодирий кўчаси 1-уй. Тел: (0-370-57-36-200) Факс: (0-370-57-35-460)

## QARORI

## ҚАРОРИ

Бўка шаҳри

1504 - сонли

«05» 10 2017 йил.

Бўка тумани статистика бўлими  
Низомини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПК-3165-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 2 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 690-сон қарорига мувофиқ ҳудудий статистика органлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш, Давлат статистика Кўмитаси тўғрисидаги низом ва Давлат статистика кўмитаси тизимидаги ташкилотлар низомларини ўзаро мувофиқлаштириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасининг 2017 йил 27 сентябрдаги 87-сонли буйруғига асосланган ҳолда,

## ҚАРОР КИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасининг 2017 йил 27 сентябрдаги 87-сонли буйруғи қўлланма ва ижро учун қабул қилинсин.
2. Бўка тумани статистика бўлимининг янги таҳрирдаги Низоми 1 - иловага мувофиқ тасдиқлансин.
3. Туман статистика бўлимининг асосий вазифалари, уларнинг функциялари, мажбурият ва ҳуқуқлари Низомда кўрсатилган тартибда амалга оширилсин.
4. Туман ҳокимининг 2014 йил 16 сентябрдаги Бўка тумани статистика бўлими Низомини тасдиқлаш тўғрисидаги 973-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Султанов ва Ҳ.Холбоев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими:



Х.Холбоев

Тошкент вилояти статистика  
бошқармасининг 2017-йил  
28-сентябрдаги 56-сонли  
буйруғига 6-илова



Бука тумани хокимининг  
2017 йил 05 октябрдаги 1504  
сонли қарорига илова

## Бука тумани статистика бўлимининг намунавий низоми

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом\_Бука тумани статистика бўлимининг (кейинги ўринларда Бўлим деб аталади) мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек фаолиятини ташкил этишни белгилайди.

2. Бўлим Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг (кейинги ўринларда Давлат статистика қўмитаси деб аталади) ягона тизимига кирувчи ҳудудий давлат статистика органи ҳисобланади ва ўз фаолиятида Тошкент вилояти статистика бошқармасига (кейинги ўринларда Бошқарма деб аталади) бўйсунди.

3. Бўлим маҳаллий давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, юридик шахслар ва фуқароларнинг расмий статистика ахборотида бўлган эҳтиёжини қондирувчи, яхлит илғор статистика ахбороти тизимининг фаолият кўрсатишига йўналтирилган давлат статистикаси соҳасидаги ягона сиёсатни амалга оширишда иштирок этади.

4. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентга фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, Давлат статистика қўмитасининг буйруқлари, қарорлари, топшириқлари ва курсатмаларига, Бошқарманинг буйруқлари ва курсатмаларига, мазкур Низомга, шунингдек бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

5. Бўлим ўз фаолиятини бошқа маҳаллий давлат органлари ва юридик шахслар билан узаро ҳамкорликда, шу жумладан идоралараро электрон ҳамкорлик қилишдан фойдаланган ҳолда амалга оширади.

6. Бўлим ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишлари дастурига асосан Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурига мувофиқ ташкил қилади.

7. Давлат статистика органлари фаолиятига давлат органлари ва маҳаллий давлат хокимияти органларининг аралашшига йул қўйилмайди.

8. Бўлим юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ҳамда ўз номи ёзилган бланк ва муҳрга, мустақил балансга, банкдаги ҳисоб рақамига эга бўлади.

9. Бўлимнинг жойлашган манзили: Бука шаҳри А.Кодирий кучаси 7-уй

## 2-боб. Бўлимнинг вазифалари ва функциялари

10. Қуйидагилар Бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

давлат статистикаси соҳасида ягона сиёсатни амалга ошириш ва статистикани ташкил этишнинг самарали тизимини таъминлаш;

халқаро стандартларга мувофиқ бўлган ягона статистика методологиясини ҳамда давлат статистика кузатувлари шакллари жорий этиш;

ижтимоий - иқтисодий ҳодисалар, жараёнлар ва уларнинг натижалари тўғрисидаги статистика ахборотларини йиғиш, қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва эълон қилиш;

давлат органларини, юридик шахсларни ва аҳолини Бука тумани бўйича статистика ахборотлари билан белгиланган тартибда таъминлаш;

Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрини, статистика ишларини ташкил этиш учун зарур бўлган иқтисодий-статистик классификациялар тизимини юритишда иштирок этиш;

ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишни таъминлаш;

Бўлимнинг иш усуллари ва шакллари янада такомиллаштириш, фуқароларнинг мурожаатларига ўз вақтида муносабат билдириш, юкланган вазифалар ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун ходимлар масъулиятини ошириш.

11. Бўлим ўз зиммасига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

*а) давлат статистикаси соҳасида ягона сиёсатни амалга ошириш ва статистикани ташкил этишнинг самарали тизимини таъминлаш борасида:*

давлат статистикаси тамойилларига риоя этилишини ва халқаро стандартларга мувофиқ бўлган статистик методологиянинг ягоналигини таъминлайди;

Бўлимнинг таҳдидий салоҳиятини мустаҳкамлаш бўйича зарур чораларни кўради;

*б) халқаро стандартларга мувофиқ, бўлган ягона статистика методологиясини ҳамда давлат статистика кузатувлари шакллари жорий этиш соҳасида:*

туманда давлат статистика кузатувлари шакллари жорий этилишини ташкил этади, жумладан ҳисобот тақдим этувчи субъектларни тасдиқланган давлат статистика ҳисоботи шакллари тўғрисида хабардор қилади ҳамда уларни электрон шаклда тўлдириш ва тақдим этиш бўйича тушунтиришлар беради;

давлат статистика кузатувларини ягона статистика методологиясига катъий амал қилган ҳолда ўтказилишини таъминлайди;

*в) ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар, жараёнлар ва уларнинг натижалари тўғрисидаги статистика ахборотларини йиғиш, қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш,*

*умумлаштириш, таҳлил қилиш ва эълон қилиш соҳасида:*

Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурининг бажарилишини таъминлайди;

туман бўйича ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш давлат ва ҳудудий дастурларининг бажарилиши юзасидан Давлат статистика қўмитаси томонидан белгиланган давлат статистика кузатувларини ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини ташкил этади;

давлат статистика ҳисоботларини электрон кўринишда, зарур ҳолларда қоғоз кўринишида йиғишни, рўйхатдан ўтказишларни, бир марталик ҳисобга олишларни, сўровларни ва бошқа кузатувларни Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланган шакллар ва методологияга катъий амал қилган ҳолда ташкил этади ва таъминлайди;

статистика, ҳисобот кўрсаткичларининг ва ўтказилган танланма кузатувлар натижаларининг тезкорлиги, ишончлилиги ва холислигини таъминлайди;

статистика ишларини ташкил этишнинг статистика ахборотларини йиғиш, қайта ишлаш ва умумлаштириш тартибига давлат органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳар қандай аралашувини истисно қиладиган тизимини яратиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

хўжалик юритувчи субъектларга ишончли давлат статистика ҳисоботларини тақдим этишда ҳар томонлама кўмаклашади, статистик маълумотларни тақдим этиш соҳасида ҳуқуқий маданиятни ошириш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг таъсирчан механизмларини амалга оширади, статистик назоратни амалга оширишнинг замонавий усулларини кўлланишини таъминлайди;

фойдаланувчиларга Давлат статистика қўмитасининг ахборот ресурсларидан фойдаланишга доир тушунтиришлар беради;

олинган статистика маълумотларининг махфийлигини, бирламчи ҳисобот маълумотларидан юридик шахсларнинг фаолиятини, бошқа хусусиятларини ёки миқдор кўрсаткичларини расмий тасдиқлаш мақсадида фойдаланишга йўл қўймасликни, давлат сирларига эга булган статистика маълумотларининг химоя қилинишини таъминлайди;

конун ҳужжатларига мувофиқ, Бўлим фаолияти жараёнида юзага келган архив ҳужжатларини белгиланган тартиб ва муддатларда Бошқарма идоравий архивига тақдим этилишини таъминлайди;

ўз ваколатлари доирасида Бўлим фаолияти жараёнида олинган хизмат, банк, тижорат сирларини ва бошқа махфий маълумотларни ўз ичига олган ахборотларни сақлаш ва химоялашнинг тегишли тартибини таъминлайди;

*г) давлат органларини, юридик шахсларни ва аҳолини (ҳудуд номи) тумани (шаҳри) бўйича статистика ахборотлари билан белгиланган тартибда таъминлаш соҳасида:*

ҳудуднинг ривожланишини тизимли таҳлил қилиш бўйича бошқа ҳудудий

бошқарув органлари, маҳаллий давлат хокимияти органлари билан яқиндан ҳамкорлик қилади;

барча фойдаланувчиларга очиқ статистик маълумотлардан фойдаланиш учун тент имкониятларни таъминлайди;

туман бўйича маълумотлар асосида маҳаллий оммавий ахборот воситаларида (маҳаллий телеканалларда) тахлилий материаллар кенг намоёниш қилиш йули билан статистик курсаткичлар тўғрисида аҳолини хабардор қилиш чораларини кўради;

статистика кузатувлари ва расмий статистика ахборотлари масалалари бўйича ахборот-тушунтириш ишларини олиб боради;

шартнома асосида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда статистик, тахлилий, ахборот хизматларини ва Давлат статистика ишлари дастуридагидан ташқари бошқа хизматларни кўрсатади;

*д) Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрини, статистика ишларини ташкил этиши учун зарур бўлган иқтисодий-статистик классификациялар тизимини юритишда иштирок этиши соҳасида:*

Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрида Бука туманида жойлашган юридик шахсларни тўлиқ ҳисобга олишни ва улар фаолияти ҳолатидаги ўзгаришларни мониторинг қилишни таъминлайди;

*е) ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишни таъминлаш соҳасида:*

статистика ахборотларининг тезкорлик билан узатилишини ва қайта ишланишини таъминловчи янги ахборот-коммуникация ресурслари ва технологияларини Бўлим фаолиятига жорий этишда иштирок этади;

давлат статистика органлари ахборот ресурслари ва тизимларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш, давлат статистикаси ахборот-ҳисоблаш тизимини руҳсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилиш бўйича зарур чораларни кўради;

*ж) Бўлимнинг иш усуллари ва шакллари янада такомиллаштириши, фуқароларнинг мурожаатларига ўз вақтида муносабат билдириши, юкланган вазифалар ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун ходимлар масъулиятини ошириши соҳасида:*

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари асосида Бўлим ишини такомиллаштириш бўйича амалий чоралар кўради;

Бўлим кадрларининг малакаси оширилишини ва қайта тайёрланишини тизимли асосда таъминлайди;

давлат статистикаси соҳасида ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва статистик маълумотларнинг тўлиқлиги ва ишончлилигини таъминлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъектлар билан самарали ҳамкорлик қилишни ташкил этади, улар учун максимал қулай шарт-шароитларни яратади;

фуқароларни қабул қилишни ташкил қилади, жисмоний ва юридик шахсларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатларини ўз вақтида ва тўлиқ кўриб

чикилишини, улар бўйича қарорлар қабул қилинишини ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва муддатларда мурожаат эгаларига жавоблар юборилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахслари томонидан давлат статистикаси соҳасидаги хонун ҳужжатлари бузилишини олдини олишга қаратилган огохлантирувчи ва профилактика хусусиятига эта чораларни, шунингдек, аниқланган қонунбузарликлар оқибатларини бартараф этиш чораларини амалга оширади.

Бўлим қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам бажариши мумкин.

### **3-боб. Бўлимнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги**

12. Бўлим ўзига юкланган вазифалар, функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

туман ҳудудидаги давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, банклардан, бошқа юридик шахслардан (зарур ҳолларда - уларнинг ваколатхоналари ва филиалларидан) давлат статистика хисоботини белгиланган тартибда олиш ҳамда ундан статистика мақсадларида фойдаланиш;

туман ҳудудидаги давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, давлат ташкилотларидан давлат статистика ишларини олиб бориш учун зарур бўлган маълумотларни (уларни ишлаб чиқишнинг исталган босқичида), шунингдек уларга илова қилинадиган тушунтиришларни сўраш ва олиш;

туман ҳудудидаги юридик шахсларни ва якка тартибдаги тадбиркорларни давлат руйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органлардан, шунингдек юридик шахслар тўғрисидаги маълумотларнинг регистрлари ва ахборот базаларини шакллантирувчи ва юритувчи давлат органлари ва уларнинг идоравий мансуб ташкилотларидан Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрини юритиш ва фаоллаштириш учун зарур бўлган маълумотларни олиш;

туман ҳудудидаги юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятининг давлат статистика кузатувларини Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланган шакллар ва методология бўйича олиб бориш ва олинган маълумотлардан статистика мақсадларида фойдаланиш;

давлат статистика кузатувларининг методологияси ва ташкил этилиши, шунингдек расмий статистика ахборотлари билан боғлиқ масалалар бўйича ахборот-тушунтириш ишларини олиб бориш;

барча юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан давлат статистикаси соҳасидаги қонун ҳужжатларининг бажарилишини қонун ҳужжатларига мувофиқ назорат қилиш;

олинаётган статистика маълумотларининг тўлиқлиги, ишончлилиги ва ҳолисоналигини экспертизадан ўтказиш;

давлат статистика маълумотларида бузилишлар аниқланган тақдирда, уларни бартараф этиш тўғрисида кўрсатмалар бериш;

давлат статистика хисоботларини тақдим этиш тартибини бузаётган мансабдор шахсларга нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ маъмурий жазо чоралари кўриш;

давлат статистика хисоботларини тақдим этиш тартибини бузганлик учун мансабдор шахсларга қўлланиладиган маъмурий жарималардан тушумлар хисобига Давлат статистика қўмитасининг махсус жамғармасини шакллантиришда иштирок этиш ва ундан белгиланган тартибда фойдаланиш;

шартнома асосида статистик, тахлилий, ахборот хизматлари ва Давлат статистика ишлари дастуридан ташқари бошқа хизматларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўрсатиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Бўлим ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш, рағбатлантириш, мукофотлаш ва рағбатлантиришнинг бошқа турларини амалга ошириш.

Бўлим қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

13. Бўлим ва унинг мансабдор шахслари уларга юкланган вазифалар ва функциялар самарали бажарилиши учун жавоб беради.

Бўлимнинг мансабдор шахслари ҳаракатлари устидан шикоят қилиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

14. Бўлим ходимлари “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларини бузганлик, тарқатилиши чекланган статистик маълумотлар, статистик ахборотлар ва (ёки) маълумотлар базасини йўқотганлик, сотганлик, берганлик ва бошқа ноқонуний ошкор этганлик учун, шунингдек статистика маълумотларини яширганлик ва бузиб кўрсатганлик учун, ёхуд кўрсатиб ўтилган ҳуқуққа зид қилмишларга кўмаклашганлик учун қонунга мувофиқ жавоб беради.

#### **4-боб. Бўлим фаолиятини ташкил этиш**

15. Бўлимга туман хокимининг тақдимномасига кўра ва Давлат статистика қўмитаси раиси билан келишилган ҳолда Бошқарма бошлиғи томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган бошлиқ раҳбарлик қилади.

16. Бўлим бошлиғи:

Бўлим фаолиятига умумий раҳбарлик қилади ва Бўлимга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

давлат органларида ва бошқа ташкилотларда Бўлимни ифодалайди;

Бўлим ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Бўлим ходимларининг мажбуриятлари ва жавобгарлиги даражасини белгилайди;

ўз ваколатлари доирасида Бўлим ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий

бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

олинган фойда, шу жумладан шартнома асосида кўрсатилган хизматлардан тушумлар ҳисобига Бўлим ходимларини белгиланган тартибда рағбатлантириш масаласини ҳал этади;

Бўлим ходимларини Бошқарма томонидан рағбатлантириш, юқори малакаси учун устамалар белгилаш ва уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш бўйича Бошқармага таклифлар киритади;

Бўлим ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларини тизимли асосда таъминлайди;

Бўлимга юкланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш учун амалдаги қонун ҳужжатлари доирасида зарур чоралар кўради.

Бошлик қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

17. Лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш:

Бўлим ходимлари - Давлат статистика қўмитаси билан келишилган ҳолда Бошқарма бошлиғи томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади;

Бўлим бошлиғи - туман ҳокимининг тақдимномасига кўра ҳамда Давлат статистика қўмитаси раиси билан келишилган ҳолда Бошқарма бошлиғи томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

#### **5-боб. Бўлимнинг молиялаштирилиши ва моддий-техника таъминоти**

18. Бўлимнинг мол-мулкани асосий воситалар ва айланма маблағлар, шунингдек қиймати унинг мустақил балансида акс эттириладиган бошқа бойликлар ташкил этади.

19. Бўлимни молиялаштириш ва унинг моддий-техника таъминоти Давлат статистика ишлари дастурига мувофиқ Ўзбекистан Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

Давлат статистика ишлари дастурида белгиланган амалга оширилган статистика ишлари учун ҳақ тўлаш, Бўлим томонидан Бошқармага ҳар ойда тақдим этиладиган бажарилган ишлар далолатномалари асосида Ўзбекистан Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобига Бошқарма томонидан таъминланади.

Давлат статистика ишлари дастурига киритилмаган ва уларни ишлаб чиқишга кўшимча харажатлар талаб қилинадиган кўшимча статистика ишларига ҳақ тўлаш буюртмачилар маблағлари ҳисобига молиялаштирилади.

Бўлим томонидан олинган фойда, амортизация ажратмалари, шунингдек бошқа тушумлар унинг ихтиёрида қолади ҳамда улардан Бўлимнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш, ходимларнинг касб маҳоратини, ўз лавозим вазифаларини сифатли бажарганлигини,



ижодий фаоллигини ва ташаббускорлигини рағбатлантириш учун белгиланган тартибда фойдаланилади.

20. Бўлим Давлат статистика ишлари дастурини бажариш доирасида ажратилган маблағларнинг ва ўз ишларининг бошқа натижаларининг тезкор ва бухгалтерия ҳисобини “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонун ва Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ амалга оширади, статистика ҳисоботини юритади.

#### **6-боб. Яқунловчи қоида**

21. Бўлимни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ушбу Низом

тикилган бўлиб

8 (сажжиз) варақдан

иборат

Умумий бўлим

Мудирият

А Хайдаров

